**Ш А Р Т Н О М А № 19**

**Андижон шахар** **«17» ноябрь 2022 йил**

Амалдаги Низом асосида иш курувчи, **«МАДАДКОР ХАМРОХ НУРИ» МЧЖ** (бундан буён матнда "Сотувчи" деб юритилади) номидан иш курувчи **У.Камолов** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш курувчи, Андижон вилоят Ички Ишлар Бошкармаси рахбари (бундан буён матнда "Харидор" деб юритилади) номидан ташкилот рахбари **А.Т.Рахматуллаев** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйдагилар тўғрисида туздилар.

**1. Шартнома предмети.**

1.1.«Сотувчи» ўзига тегишли бўлган ва келишилган қуйидаги молларни етказиб беради. «Харидор» эса ушбу молларни қабул қилиб олиб ҳисоб-китоб қилади.

| № | Товар (иш,хизмат)лар номи | Улчов бир Лиги | Сони | Нархи | Етказиб бериш киймати | ККС | | Етказиб бериш ККС хисобига ол.киймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Став ка | Сум ма | |
| 1 | Хар бир ходим учун ўтказилган байрам тадбири харажатлари | дона | 500 | 217900 | 108950000 | | | 108950000 |

1.2 Мазкур шартноманинг баҳоси: **108 950 000** (бир юз саккиз миллион тўққиз юз эллик минг) сўмни ташкил этади ҚҚС сиз.

**2. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби.**

2.1.Ҳисоб китоб «Харидор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.2.Шартнома кучга кириб, тегишли ғазначилик тизимида рўйхатга олиниб, маблағ молиялашгандан сўнг 5 банк иш кунида «Харидор» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30 % фоизи яъни олдиндан аванс тариқасида «Сотувчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3 Қолган охирги 70 % фоизи ёки «Сотувчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар ҳисоб варақ фактуралари асосида маблағ молиялашгандан сўнг 90 кун ичида ўтказиб беради.

2.4.«Харидор» томонидан 30 % фоизи олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Сотувчи» 3 банк иш куни давомида мазкур шарномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Харидор»га етказиб беради.

**3. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.**

3.1.«Харидор»нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:

-«Сотувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртмасига мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги махсулотлари эҳтиёжига қараб етказиб берилишини талаб қилади ҳамда талаб қилинган муддатда етказиб берилган маҳсулотларни тегишли сертификатини, ташиш қоидаларига риоя этилганлигини, махсулотни сифатини текшириб, қабул қилиб олади;

-Олинадиган махсулотларни «Харидор»га транспортда ташилганда «Сотувчи» дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

-зарур сифатга эга бўлган махсулотлар етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

-махсулотлари шунга ўхшаш махсулотлари билан алмаштирилишини;

-камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Харидор» ёҳуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

-баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

-мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Сотувчи»дан талаб қилиш.

-ўз буюртмаси бўйича етказиб берилган махсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.3.«Сотувчи»нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:

-«Харидор»га тегишли сифат, ассортиментдаги махсулотларини унинг талабига кўра хар 5 (беш) кунлик муддатда етказиб берилишини таъминлайди;

ANDIJON VILOYATI IIB
TASHKILIY BOSHQARMA
YURIDIK TA'MINLASH GURUHI.
SHARTNOMA EKSPERTIZADAN
O'TKAZILDI
ноябрь «17» 2022 yil № 415

-Етказиб берилган махсулотлари учун олдиндан хақ тўланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини, буюртмага мувофиқ етказиб берилган махсулотларини кабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини «Харидор»дан талаб қилиш.

**4. Коррупцияга қарши шартлари.**

4.1. Тарафлар ўз фаолиятини очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида амалга оширади ҳамда номидан ҳаракат қиладиган шахсларга коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар беради;

4.2 Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмагани, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмагани, таклиф этилмагани, уларни беришга ваъда қилинмагани, шунингдек, моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганини) кафолатлайди.

4.3. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш ҳолати бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

4.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайди.

4.5. Шартноманинг тарафлари ва улар томонидан жалб қилинган шахслар томонидан юқорида қайд қилинган коррупцияга қарши шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

**5. Томонларнинг жавобгарлиги.**

5.1. "Товар (махсулот)"ни белгиланган вақтда етказиб бермаганлиги учун "Сотувчи" "Харидор"га ўтиб кетган муддатнинг хар бир банк куни учун етказиб берилмаган махсулотнинг қийматидан 0.1% микдорида, лекин шартноманинг 10% дан ортмаган микдорида жарима тўлайди.

5.2. "Товар (махсулот)"ни етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун «Харидор»га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган «Товар (махсулот)»нинг 20% микдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари «Харидор»га "Товар (махсулот)"ни етказиб беролмаслиги натижасида етказилган зарарни қоплайди.

5.3. "Товар (махсулот)"ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Сотувчи" «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган кисмининг 0.5%) микдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган "Товар (махсулот)" кийматининг 50%дан ортик бўлмаслиги керак.

5.4. Етказиб берилган “Товар (махсулот)” учун ўз вақтида хақ тўланмаганда "Харидор" "Сотувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

**6. Низоларни хал этиш тартиблари.**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда улар судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Келишув билан ҳал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

**7.Форс - мажор.**

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнғин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг қарорлари» агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

7.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

## 8. Бошка шартлар.

8.1. Шартнома хар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

8.2. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва мухрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

8.3.Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб. Унинг бир нусхаси «Сотувчи»да иккинчи нусхаси «Харидор»да сақланади.

## 9. Шартнома муддати.

9.1. Шартномани томонлар имзолаб, худудий ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 2022 йил «31»декабргача амал қилади.

9.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛГОХЛАРИ

**« С О Т У В Ч И »**

**«Мададкор хамрох нури» МЧЖ**
**Андижон ш. 2-тор Эркинлик куча № 15-уй**
**АИТБ Ипак йули банк Андижон фил.**
**Х/р: 20208000504794052001**
**ИНН: 301283755 МФО: 01120**
**ОКОНХ: 71150**

**Рахбар:______________У.Камолов**

MADADKOR XAMROX NURI

**«Х А Р И Д О Р»**

ANDIJON VILOYATI IIB
ANDIJON SH., A.NAVOIY KO'CHA 26-UY TEL:
STIR: 200237584
ShH/V: 401010860034017031101179001
O'ZB.RESP MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI
H/R: 23402000300100001010
... BANK BB HKKM TOSHKENT SHAHRI
MFO: 00014 G'AZNA STIR: 201122919

**Рахбар:** ______________ Н.Т. Рахматуллаев

ANDIJON VILOYATI IIB
TASHKILIY BOSHQARMA
YURIDIK TA'MINLASH GURUHI.
SHARTNOMA EKSPERTIZADAN
O'TKAZILDI
ноябрь «17» 2022 yil № 415
Б.Собиров.

"Мададкор Хамрох Нури" МЧЖ
рахбари ______ У.Камолов

Андижон вилоят ИИБ
рахбари ______ А.Т.Рахматуллаев

# Т А О М Н О М А

| № | Махсулот номи | Ўлчов бирл | Сони | Нархи | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1-овқат (суп Юбилейный) | дона | 500 | 25000 | 12500000 |
| 2 | 2-овқат (сомса) | дона | 500 | 10000 | 5000000 |
| 3 | 3-овқат (қазон кабоб) | дона | 500 | 35000 | 17500000 |
| 4 | Олма | кг | 70 | 14000 | 980000 |
| 5 | Анор | кг | 59 | 5000 | 295000 |
| 6 | Апельсин | кг | 45 | 30000 | 1350000 |
| 7 | Мандарин | кг | 50 | 30000 | 1500000 |
| 8 | Киви | кг | 30 | 30000 | 900000 |
| 9 | Нок | кг | 60 | 20000 | 1200000 |
| 10 | Банан | кг | 50 | 16000 | 800000 |
| 11 | Узум | кг | 40 | 7000 | 280000 |
| 12 | Салат "Оливье" | кг | 35 | 70000 | 2450000 |
| 13 | Салат (Қизилча гўштли ) | кг | 35 | 80000 | 2800000 |
| 14 | Салат "Японский" | кг | 35 | 90000 | 3150000 |
| 15 | Тузланган салат | кг | 35 | 18000 | 630000 |
| 16 | Ичимликлар (8 хил) | компл | 50 | 190000 | 9500000 |
| 17 | Хондон писта | кг | 25 | 200000 | 5000000 |
| 18 | Бодом | кг | 25 | 140000 | 3500000 |
| 19 | Қандлар ( 4 хил) | кг | 29,9 | 40000 | 1196000 |
| 20 | Ширинлик (Бисквит) | дона | 50 | 70000 | 3500000 |
| 21 | Ширинлик (заварной) | кг | 60 | 50000 | 3000000 |
| 22 | Аччиқ гўшт | кг | 15 | 160000 | 2400000 |
| 23 | Пишлоқли гўшт | кг | 15 | 160000 | 2400000 |
| 24 | Ўрама гўшт | кг | 19 | 170000 | 3230000 |
| 25 | Индейка | кг | 20 | 160000 | 3200000 |
| 26 | Қази | кг | 20 | 300000 | 6000000 |
| 27 | Тандир гўшт | кг | 50 | 250000 | 12500000 |
| 28 | Ёғли нон | дона | 400 | 5000 | 2000000 |
| 29 | Қолипли нон | дона | 70 | 2700 | 189000 |
|  | **ЖАМИ** |  |  |  | **108950000** |

"Мададкор Хамрох Нури" МЧЖ хисобчиси ______ Н.Камолова

# Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 178236 на приобретение Андижон вилояти ИИБ ходимларининг касб байрамлари муносабати билан байрам тадбири

Способ проведения электронный

Дата 14.11.2022

Время рассмотрения 14.11.2022 18:25

Закупочная комиссия Управление внутренних дел Андижанской области, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MAMADJANOV DILMUROD XALILOVICH | ИИБ М ва МТТБ бошлиги | Андижон вилояти ИИБ |
| **Секретарь комиссии** | ISROILOV MIRZAKOMOL ULUG'MUROD O'G'LI | ИИБ М ва МТТБ КТГ бош мухандис | Андижон вилояти ИИБ |
| **Член комиссии** | MUXAMMADJONOV MAXMUDJON MUXAMMADJON O'G'LI | ИИБ МТХ бошлиги | Андижон вилояти ИИБ |
| **Член комиссии** | QOSIMOV DIYORBEK DILMURODOVICH | ИИБ Алока булими бошлиги | Андижон вилояти ИИБ |
| **Член комиссии** | MAMASALIYEV KAMOLIDDIN KABULJONOVICH | ИИБ ЭКБ бошлиги | Андижон вилояти ИИБ |
| **Член комиссии** | ASRAROV DILSHODBEK RASULJANOVICH | ИИБ МТ ва ХХ бошлиги | Андижон вилояти ИИБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.11.2022 года № лота 178236.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 5

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по организации и проведению торжественного мероприятия** |
|---|---|
| Подробное описание | Андижон вилояти ИИБ ходимларининг касб байрамлари муносабати билан байрам дастурхонини сифатли ташкил этиш ва байрам дастурхонига куйиладиган махсулотлар сифатли хамда муддати утмаган булиши шарт. |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 110 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 110 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ishtirokchi haqida umumiy ma'lumot

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"MADADKOR XAMROX NURI" MCHJ** | 5 | Ishtirokchi haqida umumiy ma'lumot | 5 | Экспертная | | |
| **AZIZ TEXNIK PRO** | 5 | 20 | 3 | Экспертная | | |

Критерий №2 Korrupsion harakatlarga yo'l qo'ymaslik majburiyati xaqida ariza

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"MADADKOR XAMROX NURI" MCHJ** | 5 | Korrupsion harakatlarga yo'l qo'ymaslik majburiyati xaqida ariza | 5 | Экспертная | | |
| **AZIZ TEXNIK PRO** | 5 | 20 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ishtirokchining kadrlar tarkibi haqida ma'lumot

Тип: Текстовое значение

Описание: соликдан карзи йуклиги тугрисида маълумотнома, гувохнома, рахбарнинг шахсини тасдикловчи хужжати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"MADADKOR XAMROX NURI" MCHJ** | 10 | Ishtirokchining kadrlar tarkibi haqida ma'lumot | 7 | Экспертная | | |
| **AZIZ TEXNIK PRO** | 10 | 20 | 4 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **AZIZ TEXNIK PRO** | 110 000 000.00 | 109 700 000.00 UZS | 109 700 000.00 | 00.00 | 109 700 000.00 | 14.11.2022 10:11:42 | 9.93163 |
| **"MADADKOR XAMROX NURI" MCHJ** | 110 000 000.00 | 108 950 000.00 UZS | 108 950 000.00 | 00.00 | 108 950 000.00 | 14.11.2022 09:24:29 | 10 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|

| | | | |
|---|---|---|---|
| **AZIZ TEXNIK PRO** | 54 | 9.93163 | 63.93163 |
| **"MADADKOR XAMROX NURI" MCHJ** | 76.5 | 10 | 86.5 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 178236 от 14.11.2022 года на приобретение Андижон вилояти ИИБ ходимларининг касб байрамлари муносабати билан байрам тадбири определила победителем:

"MADADKOR XAMROX NURI" MCHJ
301283755

и резервный исполнитель: AZIZ TEXNIK PRO (309766678)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MAMADJANOV DILMUROD XALILOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MUXAMMADJONOV MAXMUDJON MUXAMMADJON O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | QOSIMOV DIYORBEK DILMURODOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAMASALIYEV KAMOLIDDIN KABULJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ASRAROV DILSHODBEK RASULJANOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING FARMOYISHI

**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ташкил этилганлигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси ички ишлари органлари ташкил этилганлигининг ўттиз бир йиллиги ҳамда 25 октябрь – "Ички ишлар органлари ходимлари куни" муносабати билан касб байрамини юқори савияда ва кўтаринки руҳда кенг нишонлаш мақсадида,

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси ички ишлари органлари ташкил этилганлигининг ўттиз бир йиллиги ҳамда 25 октябрь – "Ички ишлар органлари ходимлари куни" байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) таркиби 1-иловага мувофиқ;

25 октябрь – "Ички ишлар органлари ходимлари куни" муносабати билан **"Янги Ўзбекистон – янги ички ишлар органлари!"** шиорини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Байрам тадбирлари Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик)нинг барча ҳудудий бўлинмаларида бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакиллари, шунингдек хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари ҳамда ички ишлар органлари фахрийлари иштирокида юқори савияда ўтказилсин.

3. Вазирлик Маънавий-маърифий ишлар хизмати (Х.Махсумов) тегишли хизматлар билан ҳамкорликда байрам муносабати билан Вазирлик раҳбариятининг табрикномалари, тантанали тадбир сценарийси ва ички ишлар органларида сидқидилдан хизмат қилаётган ходимларни мукофотлаш, шунингдек амалдаги интизомий жазоларни рағбатлантириш тарикасида олиб ташлаш тўғрисидаги буйрук лойиҳасини тайёрласин.

4. Вазирлик Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти (Ш.Азим), Маданий-маърифий ишлар маркази (А.Болтаев), "ЖАР" спорт соғломлаштириш комплекси (Т.Наджимов) тегишли хизматлар билан ҳамкорликда байрам тадбирлари ўтказиладиган жойларни байрамона безатиш, ходимлар, фахрийлар ва бошқа меҳмонлар учун байрам дастурхонини ташкил этиш, гул ҳамда қимматбаҳо совғалар харид қилиш чораларини кўрсин.

5. Вазирлик Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси (Х.Махсумов) томонидан ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун байрам совғаларини харид қилиш юзасидан киритилган таклиф маъқуллансин.

6. Вазирлик Маданият саройи (У.Тошпаев) ҳамда Алоҳида намунали кўргазмали оркестри (М.Махмудов) тантанали байрам тадбири учун концерт дастурини юксак савияда ташкиллаштирсин.

7. Вазирлик Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (О.Саидов), Жамоат тартибини сақлаш хизмати (Д.Азизов) ҳамда Тиббиёт бошқармаси (Ш.Нишанов) ички ишлар органларининг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда байрам тадбирлари ўтказиладиган жойларда вазият барқарорлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш, карантин қоидаларига қатъий риоя қилиш, тезкор тиббий хизмат кўрсатиш, йўл ҳаракати ва бошқа хавфсизлик чоралари кўрилишини таъминласин.

8. Вазирлик Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси (Ш.Гиясов, Б.Садикова) байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларини, шунингдек ички ишлар органларидаги хизмат фаолияти давомида ҳамкасбларига ибрат ва намуна кўрсатаётган фидойи ходимлар ҳаёти ҳамда хизмат фаолияти акс этган материалларни оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш чораларини кўрсин.

9. Вазирлик Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти (А.Абиджанов) мазкур фармойиш талабларини амалиётга жорий этиш билан боғлиқ зарурий сарф-харажатларни Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини таъминласин.

10. Мазкур фармойиш ижросини таъминлаш ички ишлар органларининг тегишли таркибий ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқларига, умумий назорат Вазир ўринбосари, генерал-майор А.И.Икрамов зиммасига юклансин.

**Вазир**
**генерал-лейтенант** П.Р. Бобожонов

Тошкент шаҳри,
2022 йил "4" октябрь.
227-сон

Ички ишлар вазирлигининг
2022 йил "4" октябрдаги
227-сон фармойишига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ички ишлари органлари ташкил этилганлигининг ўттиз бир йиллиги ҳамда 25 октябрь – "Ички ишлар органлари ходимлари куни" байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича ташкилий қўмита**

**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| **А.Н. Икрамов** | – | Вазир ўринбосари, генерал-майор *ишчи гуруҳ раҳбари* |
| **Х.В. Махсумов** | – | Маънавий-маърифий ишлар хизмати бошлиғи, полковник *ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари* |
| **А.А. Абиджанов** | – | Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти бошлиғи, полковник, *ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари* |
| **Ш.К. Гиясов** | – | Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи, полковник *ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари* |
| **Т.С. Жуманов** | – | Кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиғи, полковник *ишчи гуруҳ аъзоси* |
| **Р.А. Хатамов** | – | Академия бошлиғи, полковник *ишчи гуруҳ аъзоси* |
| **О.Ч. Саидов** | – | Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошлиғи, полковник *ишчи гуруҳ аъзоси* |
| **Д.А. Азизов** | – | Жамоат тартибини сақлаш хизмати бошлиғи, подполковник *ишчи гуруҳ аъзоси* |
| **Ш.Ю. Нишанов** | – | Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, подполковник *ишчи гуруҳ аъзоси* |
| **Б.Т. Садикова** | – | Бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, полковник *ишчи гуруҳ аъзоси* |
| **А.С. Иномов** | – | Маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, подполковник *ишчи гуруҳ аъзоси* |
| **А.С. Болтаев** | – | Маданий-маърифий ишлар маркази бошлиғи, майор *ишчи аъзоси* |
| **У.Т. Тиллаев** | – | Маданият саройи бошлиғи, подполковник *ишчи гуруҳ аъзоси* |
| **М.М. Махмудов** | – | Алоҳида намунали-кўргазмали оркестр бошлиғи, майор *ишчи гуруҳ аъзоси* |
| **Н.К. Ашуралиев** | – | Маънавий-маърифий ишлар хизмати катта инспектори, катта лейтенант *ишчи гуруҳ котиби* |